



Махфуза ОРТИКОВА

Ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

martikova@gmail.com

ЎЗБЕК ВА ИСПАН ГАЗЕТАЛАРИДА АХБОРОТ ЖАНРИ ВА ПРЕЦЕДЕНТ ФЕНОМЕНИ

Мақолада ўзбек ва испан газеталарида жанр муаммоси, ахборот жанридаги матнларда прецедент феноменининг аҳамияти, унинг ифодалиликни оширувчи восита сифатидаги роли, миллат маданиятини акс эттириш каби хусусиятлари ёритилган.

В статье обсуждается проблема жанра узбекских и испанских газет, описан феномен прецедентности, а также его роль в информационном жанре, имеющем средства выразительности и отражения культуры нации.

The article deals with the problem of genre in Uzbek and Spanish newspapers, it describes the phenomenon of precedent, also, it's role in informative genre as a factor of rising the expressiveness and as a representative of nation culture.

Калит сўзлар: газета, ахборий жанр, ифодалилик, прецедент феномени: ном, ҳодиса, ифода.

Ключевые слова: газета, информационный жанр, выразительность, феномен прецедентности: имена, ситуация, высказывание.

Keywords: newspapers, informative genre, expressiveness, phenomenon of precedent: names, situation, expression.

Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) аудиторияга таъсир этиш, бирор ғояни тарғиб қилиш, кўнгилочар вазифаларга эга бўлса-да, уларнинг бирламчи мақсади бу – ахборот узатишдир. Унда журналист, шубҳасиз, ўзи ёзаётган материалнинг қайси услубга, жанрга хос эканлигини инобатга олиб, муайян тил бирликларидан фойдаланади.

А. Абдусаидов газета жанрларининг ўзини қуйидаги турларга ажратиб кўрсатади: “Ахборот жанрлар: хабар, репортаж, ҳисобот, интервью; Таҳлилий

жанрлар: корреспонденция, мақола, такриз, шарх, обзор, хат, кузатиш; Бадиий–публицистик жанрлар: лавҳа, очерк, фельетон”(1, б.47–52).

Ўзбек тилшуноси Л. Тошмухамедова матбуот тили ва унинг жанрлари ҳақида фикр юритиб, “...матбуот тили матний мулоқотга дахлдор, ёзма-китобий услублар сирасига мансуб. Бу унинг адабийлик, маромлилик, умумийлик ва андозалашганлик сифатлари орқали тавсифланади. Оммавий мулоқот луғатида ҳам, синтаксисида ҳам адабийлик зуҳур этади. Аммо бу умумий хусусият турли оммавий ахборот воситаларида, турли жанрий материалларда турлича нисбатда намоён бўлишини истисно этмайди”(3, б. 22), деб таъкидлайди.

Испаниялик олимлар томонидан ҳам оммавий ахборот воситалари, жумладан, газета жанрлари масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, испаниялик олим Грихельмонинг қайд этишича, испан матбуотида бериладиган публицистик услубдаги материалларнинг жанрларга бўлиниши журналист ёки муаллифнинг матн ёзишдаги шахсий иштирокига боғлиқ. Унинг фикрича, муаллиф иштироки сезилмайдиган материаллар (хабарлар, интервью, объектив суҳбат, ахборий репортаж, архив хужжатлари) ахборот жанрига тегишлидир(4, б. 30).

Биз бу борада Грихельмонинг фикрига тўла қўшила олмаймиз. Гарчи ОАВ матнларининг жанр хусусиятлари журналист иштирокига дахлдор бўлса-да, бу ахборот жанридаги материалларда журналистнинг иштироки умуман сезилмайди, дегани эмас.

Тўғри, ахборот жанридаги матнларда журналистнинг фикрлари, қарашлари унчалик ҳам кўзга ташланмас, аммо у ифодалиликини оширувчи воситалар, жумладан, троп ҳамда фигуралар ёки прецедент (мазкур тушунча кенг қамровли бўлиб, прецедентларнинг энг асосийлари бу жуда қисқа тарзда берилган ҳолда ҳам жамоатчилик томонидан яхши тушуниладиган “маданий предметлар”(2, б. 406) дир) номлар, ҳодисалар, ифодаларни қўллаш орқали матнга бўёқ беради, унинг таъсирчанлигини оширади. Демак, юқорида келтирилган ахборий жанрга доир турлардан бўлган архив материалларидан ташқари барча ҳолларда матнда муаллифнинг иштироки, қарашлари ва таъсири сезилади.

Испан оммавий ахборот воситаларидаги ахборот жанрларга мазкур мамлакат мутахассислари ахборий солнома: қисқа хабарлар ва ҳисобот, содда мақола, интервью, ҳамда репортажни киритадилар.

Бу масалада мамлакатимиз олимлари томонидан биров бошқача қараш мавжуд бўлиб, услубий хусусиятига кўра ахборот жанрига хабар, суҳбат, интервью, ҳисобот, репортаж тааллуқли деб ҳисобланилади.

Ўзбек газеталаридаги ахборот жанридаги матнларда, жумладан, янгилик, интервью, ҳисоботларда кўпроқ расмий услуб кузатилса, суҳбат ҳамда репортажда расмий, публицистик ва бадиий услубларнинг қоришув жараёни юз беради.

Газета матнлари қайси жанрга мансуб бўлмасин, унда журналистлар томонидан омма онгига таъсир этадиган, ахборотнинг аҳамиятини оширадиган тил бирликларидан фойдаланилади. Бу каби ҳолларда айнан прецедент феноменини муаллифнинг энг биринчи “қўмакчиси” десак муболаға бўлмайди. Прецедентлар жамоатчилик томонидан осон тушуниладиган маданий бирликлар экан, демак у ОАВ матни қийматини ҳам оширишга хизмат қилади.

Испан газеталаридаги ахборий жанрдаги хабар матнларида прецедентларнинг қуйидаги турлари кўп учрайди: машҳур сиёсатдонлар номлари, цитаталар, жамият онгидан муқим ўрин эгаллаган, тарихий ҳамда маданий аҳамиятга эга ҳодисалар.

Интервьюларда эса маданий ахборотга эга номлар, цитаталар, қанотли иборалар, кесатиқ сўзлар, тарихий ёки маданий воқеалардан иқтибосларни учратиш мумкин.

Испан газеталаридаги репортажлар экспрессивликдан иборат бўлиб, уларда юқорида келтирилган прецедент феноменининг барча турлари мавжуд.

Ўзбек ҳамда испан газета нашрларида прецедентлардан кенг фойдаланилади ва улар ўқувчилар ёки томошабинлар томонидан тўғри идрок этилади.

Ахборот жанрининг асосий тури ҳисобланган хабарларда аксарият вазиятларда андозавийлик кузатилса-да, прецедент номлар, ҳодисалар, ифодаларнинг матнга сингдирилганига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин: *Билайн*” ҳақидаги хабар *“Ucell”нинг кетмонини учирди*” (“Даракчи”, 31.10.2013). Мазкур гапдаги “кетмонини учирди” жумласи бугунги ўзбек аудиторияси учун жуда яхши таниш. У “Абдуллажон” фильмидаги воқеа-ҳодисаларни эслатади. Гарчи мазкур ибора ўзбек тилидаги фразеологик бирликлар луғатларидан жой олмаган бўлса ҳам, жамиятда яхшигина оммалашган ҳамда сўзлашув услубида кенг қўлланилади. Бу ўринда газета саҳифаларида мазкур иборанинг прецедент ифода сифатида қўлланилиши унинг такрорийлигини аңлатади. Зеро, прецедент хусусиятга эга тил бирликлари, матнлар ва ҳодисаларнинг ҳам асосий белгиси бу – такрорийликдир. “Кетмонини учирди” жумласи воситасида муаллиф ўзи яратган материалга ўқувчи эътиборини жалб этган.

Яна бир хабарда *“Юрагим-эй сенга раҳим келиб кетди...”* (“Даракчи”, 24.10.2013) жумласи қўлланилган.

Мисол олинган мақола, аслида, ноодатий юрак жойлашуви билан туғилган инсон ҳақида. Лекин унда келтирилган прецедент матн ўзбек аудиторияси учун яхши таниш бўлган машҳур қўшиқ матнидан олинган. Агар газетхон бу қўшиқ билан таниш бўлмаса, у ҳолда беморнинг оғир ахволини кўз олдига келтиради ва журналистнинг таъсирчанликка эришиш йўлида тузган жумласи сифатида қабул қилади. Бироқ қўшиқ матни билан таниш ўқувчи хонанданинг юрак дардини ҳис қилади, унинг ўз юраги билан “сўзлашганини” ёдга олади. Гарчи мазкур хабарда юрак аламлари, изтироблари эмас, балки биологик касаллик билан боғлиқ воқеа тўғрисида сўз борса-да, муаллиф ўз матнида омманинг эътиборини тортишнинг самарали усулини тополган.

Испан газеталаридаги хабар матнларида ҳам прецедент феноменининг бир қатор турларини кузатиш мумкин. Жумладан, *“Rajoy no va a poder gobernar si no explica el “caso Bárcenas” en el Congreso” señala el líder socialista, que ha planteado una posible moción de censura, la tercera en democracia, si el jefe del Gobierno sigue negándose a explicar en el Parlamento la presunta corrupción en la cúpula de su partido*” (“El País”, 21.07.2013).

Машҳур испан газетасидан олинган юқоридаги мисолда 2013 йилнинг ёз ойларида мамлакатда содир бўлган сиёсий воқеалар, яъни ҳукумат раҳбари Рахойнинг шахсий ёзишмалари тарқаб кетганлиги, унинг партия раҳбари Барсенас билан биргаликда ҳукумат маблағларини ўзлаштирганлигига ишора қилинмоқда. Айнан шу ҳолат билан боғлиқ ҳодисаларга Испания нашрларида кўп мурожаат этилган (бир вақтнинг ўзида бир қанча нашрларда такроран қўлланилган). Маълум бир ҳодисага қайта-қайта иқтибос берилиши унга прецедентлик хусусиятини сингдиради. Гарчи муаллиф мазкур хабарда ўз ёндашувини акс эттирмаган бўлса-да, матнга сингдирилган прецедент ном ва ҳодиса биргина “Барсенас воқеаси” (*“caso Bárcenas”*) жумласи орқали аудиторияга катта шов-шувли воқеаларни, қолаверса, шов-шув сабабчиси бўлган кишилар номини англатади.

Газетадаги Рим Папаси Франсисконинг Америка қитъасига ташрифига доир яна бир хабарда прецедент ифода ва ҳодисанинг уйғунлашувини кўриш мумкин: *“...ha demostrado a Francisco que aquella frase escupida por L’Osservatore Romano para definir la situación de Benedicto XVI tal vez siga estando vigente: “Un pastor rodeado por lobos...”* (“El País”, 22.07.2013).

Мазкур газетадан олинган парчада *“Un pastor rodeado por lobos”* ибораси Франсискодан аввалги Рим Папаси Бенедиктга нисбатан, уни италиялик жинойтчилар билан ҳамкорлик қилганликда айблаш учун ишлатилган бўлиб, амалдаги аргентиналик Рим Папасининг фаолиятига доир хабарда

келтирилишига сабаб – кишилар хотирасидан жой олган воқеаларни қайтадан эсга солишдир. Демак, прецедент ифода ҳамда ҳодисанинг уйғунлашуви натижасида муаллиф ўз хабарининг таъсирчанлигини оширишга ҳаракат қилган. Мазкур ибора яна бир қанча газеталарда такрор-такрор қўлланилган. Бу ҳам собиқ Рим Папаси Бенедикт XVI билан боғлиқ воқеаларга прецедент ҳодиса тусини берган.

Ҳозир замонавий газета тили нафақат ахборот етказиш манбаи, балки миллий менталитетни акс эттирувчи майдонга ҳам айланиб улгурди.

Бугунги коммуникацион ривожланиш жараёнида истаимизми-йўқми биз мансуб бўлган миллатнинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятлари нутқимизда яққол кўзга ташланади.

Суҳбат ҳам икки кишининг ўзаро мулоқотга киришиш жараёни экан, унда коммуникант мансуб бўлган миллат анъаналари прецедентлар воситасида экс этиши табиийдир.

Машхур кишилар ёки омма вакилларининг газета ўқувчилари учун қизиқарли бўлган фикрлари ахборий жанр турларидан бири ҳисобланган интервьюда намоён бўлади. Қолаверса, айнан интервью ёки суҳбат мобайнида жамият аъзоларининг нутқида кўп ишлатиладиган прецедент турлари акс этади ва улар миллат менталитетини намоён этади. Масалан: “*Эркак – подшоҳ, аёл – вазир*” каби *ота-боболаримизнинг ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб айтилган гапларни ҳеч қачон унутманг!*” (“Ҳордиқ”, 16.01.2014).

Маълумки, ўзбек халқида азал-азалдан эркакнинг оила устунни экани, аёлнинг эса унга ўнг қўл, бош маслаҳатчи сифатидаги ўрни эътироф этиб келинган. Мазкур ибора фақатгина луғатлардан ўрин олган лексик бирлик эмас, балки ўзбек миллатининг миллий-маданий ўзига хослигини, қадриятларини, ижтимоий қарашларини акс эттирувчи жумла ҳамдир ва айнан шу хусусияти билан прецедент ифода бўла олади.

Испаниялик сув спорти устаси Дуане да Роча билан ўтказилган интервьюда у шундай дейди: “¡Uf! Me encantaría, ojalá pueda sacarle jugo a mi cuerpo. Nadando no se gana...” (“El mundo”, 22.07.2013).

Спортчи келтирган ибора маъно жиҳатдан таржима қилинганда “танам фойда келтирсин” қабилида бўлиб, ўзбек газеталаридаги интервьюлардан фарқли ўлароқ жамият манфаатларига эмас, балки шахсий манфаатларга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Спортчи интервью давомида агар мағлубиятга учраса ўзининг яқинлари олдида уялиб қолиши ҳақида сўз юритиб, ўзининг шахсий манфаатларини биринчи ўринга кўяди.

Юқорида келтирилган мисоллардан шарқона анъаналарга хос бўлган “инсон жамият ривожини учун хизмат қилиши керак” деган қараш ҳамда ғарбона “жамият инсон манфаати учун хизмат қилиши зарур” қабилидаги фикр яна бир бор ўз исботини топади.

Хулоса қилиб айтганда, тилдаги ифодалиликни оширувчи ҳамда миллий маданиятни акс эттирувчи воситалардан бири бўлган прецедент феноменидан ўзбек ва испан газета матнларида кенг фойдаланилади. Прецедентларнинг қўлланилиш ўрни эса бевосита газета жанрларига алоқадордир.

Гарчи мамлакатимиз ҳамда Испания фанида жанрлар масаласига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд бўлса-да, уларда прецедент феномени матн таъсирчанлигини ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Испан газета нашрларидаги ахборот жанрига мансуб матнларда сиёсатдонлар номлари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар, яъни прецедент ном ва ҳодисанинг ўзаро уйғунлашувига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ўзбек газеталаридаги ахборот жанрига мансуб материалларда ҳам ўзбек аудиториясига яхши таниш бўлган, ўзида миллий хусусиятларни акс эттирган прецедент ифодалардан кенг ва ўринли фойдаланилади.

Прецедент турларининг саралаб олиниши, қай йўсинда қўлланилиши улардан фойдаланаётган шахснинг хотираси, нутқий ижодкорлиги, фикрлаш йўсини, дунёқараши ва турмуш тарзини намоён этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Фил. фан. док. диссер. – Самарқанд, 2005.
2. Гудков Д. Б. Прецедентные феномены в текстах политического дискурса / Язык средств массовой информации: Учебное пособие для вузов/ Под.ред. М.Н.Володиной. –М.: Академический проект, 2008.
3. Тошмухамедова Л. Оммавий мулоқотнинг матний-услубий ўзига хослиги “Оммавий ахборот воситаларида тил, услуб ва таҳрир масалалари” конференция материаллари. –Т.: ЎзМУ босмахонаси, 2013.
4. Grijelmo A. El estilo del periodista. – Madrid: Taurus, 2002.
5. “Даракчи”, “Ҳордиқ”, “El País”, “El Mundo” газеталари.